

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
”Қамчиқавтойўл” ихтисослаштирилган  
йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси  
бош муҳандиси



О.Нематов

2022й

### БҮЮРТМАЧИ:

## «ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК

«Қамчиқавтойўл» ИЙФУК тасарруфидаги Ангрен  
шахри “Йўлчи” болалар оромгохини 2022 йил ёзги  
мавсумга тайёрлаш учун жорий таъмирлаш  
ишларига

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

### Қамчиқ довони -2022

#### Танлов хужжатларининг мазмуни:

##### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

# **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилди

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1. «Қамчиқавтойўл» ИЙФУК тасарруфидаги Ангрен шахри “Йўлчи” болалар оромгохини 2022 йил ёзги мавсумга тайёрлаш учун жорий таъмирлаш ишларига.
- 1.2. Танлов охирги қиймати – 270 498 904 (**икки юз етимиш миллион тўрт юз тўқсан саккиз минг тўққиз юз тўрт**) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқкан пудратчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 йил.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **“ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ” ИЙФУК**, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 160018, Узбекистон, Наманган вилоятим Поп тумани, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 230 км, Резак қишлоғи, Булоқ масиви

Эл.адрес: qamchiqiyfk@mail.ru, qamchiq@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фойзи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фойздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

## БИРГАМЧИ:

### «КАМЧИКТОЙУУ» ИЙФУЗ

«Камчиктоойуу» ИЙФУЗ төсүрүфидаги Аңграң  
макри «Түндүк Солалар проекханам 2022» иял ёзот  
мэйсүмка тайбэрлами укуу зорий тазмирлама  
видео

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРЫ

Камчиктоойуу - 2022

Танлов хужжатларынын тазмутуну:

1. Танлов излерестелтирүүчүн бүрөмөнүү